

Сўфи Оллоёр (1644, Каттакўргон беклиги Минглар кишлоги — 1724, Денов) — тарикат арбоби ва мутасаввуф шоир. Шайхлар мактаби ва Бухородаги жўйбор шайхлари даргохида таълим олган. Ўз даврининг барча асосий илмларини эгаллаган, араб ва форс тилларини ўрганган. Бухоро хони Абдулазизхон томонидан бож маҳкамасига тўра этиб тайинланган. Дарвешона феъл, шоирона кўнгил сохиби бўлган Сўфи Оллоёр бу лавозимдан тезда истеъро бериб, ўз даврининг машхур шайхи Наврўзга шогирд тушган, тарикат талабларини бажариб, шайхлик мартабасига кўтарилган, валиуллоҳ (каромат сохиби) бўлиб етишган.

Туркий ва форсий тилларида ижод килган Сўфи Оллоёр ижодининг асосий йўналиши ислом маърифатини кенг халк орасига ёйиш ва тасаввуфнинг инсоний камолот билан боғлик гояларини таргибташвик килишдан иборат. У «Маслак ул-муттакин» («Такводорлар маслаги»), «Мурод ул-орифин» («Орифлар муроди»), «Махзан ул-мутеъин» («Итоаткорлар хазинаси») асарларини форсий, «Сабот ул-ожизин» («Ожизлар саботи»), «Фавз ун-нажот» («Нажот тантанаси») маснавийларини туркий тилда яратган. Форсий ва туркийда битилган бошка шеърлари хам мавжуд. «Мевалар мунозараси» номли манзума хам унга нисбат берилади.

Сўфи Оллоёрганинг шох асари «Маслак ул-муттакин» бўлиб, 12 минг байт, 135 та катта-кичик бобдан иборат. Илохий маърифатнинг бадиий талкинига багишлиланган бу асар эл орасида шуҳрат тутганидан сўнг дўсту якинлари ундан туркий тилда хам шундай бир китоб ёзиши илтимос киладилар. Бунга жавобан у «Маслак ул-муттакин»ни бирмунча кискартириб, ўзбек тилида назмда битган ва унга «Сабот ул-ожизин» деб ном берган. Ўзбек фалсафий дидактик адабиётининг етуқ намунаси бўлмиш ушбу асарда тасаввуф таълимотининг маънавий-ахлокий масалаларини кенг ёритиш билан у туркий тасаввуф адабиёти ривожига катга хисса кўшган.

Асарларида ислом ахкомлари, тарикат талаблари, инсоний комиллик шартларини бирма-бир таърифлаб берган. Ахлокий-таълимий ахамияти жихатидан, хусусан, «Маслак ул-муттакин» ва «Сабот ул-ожизин» асарлари мактаб ва мадрасаларда асосий дарсликлар каторида ўқитилиб келган. Унинг диний-тасаввуфий руҳдаги панду хикматга йўғрилган асарлари нафакат Туркистон, балки Кашкардан тортиб Этел (Волга), Ёйик (Урал) дарёлари воҳалари, Хожитархон (Астрахан), Булгор, Оренбург ва бошка минтакаларда яшовчи халклар орасида хам кенг таркалган. Улар кўп нусхаларда кўчирилган. 19-асрнинг охирларига келиб эса Тошкент, Козон, Боку, Истанбул ва бошка шахарларда тошбосма йўли билан бир неча марта босилиб чиккан.

Сўфи Оллоёр асарлари кўплаб хорижий тилларга таржима килинган, уларга багишлиб шархлар ёзилган, лугатлар тузилиб, у кўллаган тасаввуфий истилоҳ-тимсоллар кенг шархланган.

Эргаш Очилов

\*\*\*

Дил - гамин, хотир - хазин, толеъ - каро, пешона - шўр,  
Кўл - куруг, матлаб - узок, душман - якин, жонона - дур\*.

Ёр - толиб, ишки - голиб, хасб - монеъ, сабр - оз,

Даҳр - пуркулфат, жафо - кўб, лутф - кам, раҳмат - вўфур.

Зод - акал, сенсиз - касал, хажми хаво - тавли амал,  
Юз - таалук, минг - илал, гам - бенихоят, гусса - зўр.

Ич - тугун, холат - забун, хосил - хавас, савдо - жабун,  
Йўл узун, аъдо - фузун, этмак - гумон, кетмак - зарур.

Умр - густу пеша суст, хавф - Хотам, гам - нўхуст,  
Эл - кучук, юк - нодуруст, водий - хатар, аз ман футур.

Феъл - чаб, гафлат - ажаб, гусса - майшат, гам - тараб,  
Тил - сучук, сар - мункалиб, зохир - вараъ, ботин - фужур.

Чашм - тар, рухсора - зар, хуни жигар - охи сахар,  
Кош, бул фан бирла, Оллоёр музтар бўлса кўр.

\* \* \*

Жон агар хамсухбати тандур, жаҳонда гам ема,  
Бул азиз меҳмон боринда гусса олам ема.

Бир каришлиқ йўлга кирсанг, кўйма бейўлдош кадам,  
Бир мавиз оллингда хозир бўлса, бехамдам ема,

Икки кунлик лаззати дунёйи бепоён учун  
Фикр этиб гам туъмасини, эй бани Одам, ема,

Тангдаст ўлдум деб, Оллоёр, кўб фикр этмагил,  
Юз надомат бирла оламдин кетарсан, гам ема.

\* \* \*

Эй, хуш ул умреки, ўтса бир неча шайдо билан,  
Танлари халк ичра бўлса, диллари мавло билан.

Багри бийрон, кўзлари гирён ёронларни кўюб,  
Хайф ўшал умреки, ўтса бизнидек расво билан.

Жон фидойи ул биродарким, бу дунё мулкидин  
Кўрмаса бир пул юзини, ўтса истигно билан.

Аждаҳо бирлан тўкуш килгон кишини эр деманг,  
Эр ўшал эрдурки, турса бандалик тамго билан.

Токи, Оллоёр, истарсан тириклиқ иззатин,

Коч ўшал тандинки, фикри бўлмаса тангло билан.

\* \* \*

Хожатим улдур, худоё, по ишим бош айласанг,  
Мунда тавфик, онда имонимни йўлдош айласанг.

Илкима берсанг асойи химмат, оғзима сано,  
Кўнглума ишк оташин солсанг, кўзум ёш айласанг.

Бор умидим: гарди исёнимни ювгай оби афв,  
Варна йўқдур чораси кора тош айласанг.

Чехраи журмимни ёпгил пардаи исмат билан,  
Онда мушкулдур гунохим халқ аро фош айласанг.

Гарчи Оллоёр эрур нокобилу номустаким,  
Лутф этиб бир муршиди комилга йўлдош айласанг.

\* \* \*

Тешти кўксум, эзди багрим доги хижроним мани,  
Бу оламда мунча гамда чикмаган жоним мани.

Дилда сабрим, юзда шармим, бошда хушим колмади,  
Кўзда ёшим, рангда коним, танда дармоним мани.

Дардга тўлсам, гамда сўлсам, телба бўлсам ишкида,  
Хасратида мундог ўлсам, йўқдур армоним мани.

Холатим бад, хасратим бехад, фигоним беъадад,  
Кил мадад мандек йикилгон кулга сultonим мани.

Гуссаи дил, киссаи мушкулга колдим ою йил,  
Обу гил ичра хижил колгон тану жоним мани.

Айтур Оллоёр йиглаб зори хаф лайлу нахор,  
Тийри ишки ёр тўкса кошки коним мани.

## МУНОЖОТ

Холико!  
Койилман ўз нуксонима,  
Кўб жафо килдим ўзумни жонима.  
Зоти покингдан иноят бўлмаса,

Хеч ишончим йўк амал килгонима.

Холико!  
Килдим фаоли кундани,  
Килмогил расво мани - шармандани.  
Сен агар рахмат никобин ёпмасанг  
Айби кўб, нуксони кўбдур бандани.

Холико!  
Тўқтум ибодат тосини,  
Сан тузарсан бандани кам-кўсини.  
Кўлларинг булгонса исён лойига  
Оқизурсан магфират дарёсини.

Холико!  
Килдим гунохи беадад,  
Жон берар холатда сан бергил мадад.  
Нафси шайтон илкидин куткормасанг,  
Бўлди мушкул холимизга, ё ахад!

Холико!  
Ё аввало, ё охиро,  
Нафси шайтон жонима бўлди бало.  
Гарчи Оллоёр Ўтарчидур ёмон,  
Кўймогил душман кўлида мубтало.

Холико!  
Тутдим фарогат хобини,  
Истадим дойим жаҳон асбобини.  
Гарчи Оллоёр эрур гарки гуноҳ,  
Оч анго ўлганда рахмат бобини.

Холико!  
Умр айладим фоний билан,  
Энди банданг зор йилор жони билан.  
Гарчи Оллоёр эрур зору забун,  
Жонин ол нири имони билан.

Холико!  
Поишларим бош айласанг,  
Хирмани рахмат манго чош айласанг.  
Мунда тавфиким, чирогим кўлга бер,  
Онда имонимни йўлдош айласанг.

Холико!  
Афв айла ўтган ёшима,

Яхши кулларни ато кил кошима.  
Гўр ичинда келса икки сўргувчи  
Онда сен раҳм айла ёлгуз бошима.

Холико!  
Дийдамга ашки зори бер,  
Кўнглума доим мухаббат ёри бер,  
Оби кавсардин мани сероб этиб,  
Хам манга кўпрук ўтарда ёри\* бер.

Холико!  
Лутф эт гадойи зоринга,  
Бандадурман, зорман хар бир коринга.  
Магфират дарёсига гаркоб этиб,  
Кўзларим шояста кил дийдоринга.

Холико!  
Туз айлагайсан роҳимиз,  
Мустажоб этгил дуои оҳимиз.  
Тонгла хайрон бўлса халқ ўз холига,  
Мустафони кил шифоатҳоҳимиз.

## ТЎРТЛИК

Одамийнинг кадри йўқ бир ерда юрганда омон,  
Кадр ўтар аммо жудолиг бўлса сандин бегумон.  
Гарчи Оллоёр Ўтарчидур, эрур ул хам ямон,  
Онинг хам кадри ўтар бир нечага ўлган замон.